Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 83 (7. 172) 1990 йил 12 апрель, пайшанба Баҳоси 4 тийин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси съездолди мунозарасининг бориши, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларининг муҳокамаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Партия ва жамиятдаги мунозара кенг доирадаги муаммоларга доир турлича фикрларни қиёслаш йўли билан қизғин ва самарали ўтаётганлиги, ана шу партия ҳужжатларини бойитиш учун кўп ва хилма-хил материал бераётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга кўпгина коммунистлар, партия ташкилотлари КПССнинг баъзи аъзолари мунозараси амалий ўзандан фракциячилик кураши йўлига ўтказиб юборишга, партияда ажралишни келтириб чиқаришга зўр бериб уринаётганликларидан жиддий ташвишланмоқдалар. Ана шундай уринишларга баҳо бериш, партия сафларини жипслаштиришга даъват этиш зарурати туғилди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзодлар, КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг аъзолари билан келишилиб, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари фикрларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат барча коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» очиқ хати тайёрланди, у матбуотда эълон қилинмоқда.



⊙ МАРМАРЧИ. Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста ишчиси Абдурофи Сулаймонов. Т. Каримов сурати.

ПРИНЦИПИАЛ НЕГИЗДА ЖИПСЛАШИШ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига ОЧИҚ ХАТИ

Коммунист ўртоқлар!

КПСС XXVIII съезди арафасида жамиятда ва партияда юз бераётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар бизни ушбу мактуб билан сизларга мурожаат қилишга ундамоқда.

Мамлакатда юз бераётган чуқур ўзгаришлар, мамлакат олдида пайдо бўлган муаммоларнинг ўткирлиги съездга алоҳида аҳамият бахш этади. Кўп нарса партия анжуманимиз қандай тайёрланишига, унга коммунистлар қандай кайфият, ғоявий фикрлар ва сиёсий фаоллик билан келишларига боғлиқ бўлади.

Ҳозир партия ташкилотларида, матбуотда съездолди мунозаралари авж олиб бормоқда, бу мунозараларга партия Марказий Комитети томонидан тайёрланган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари асос қилиб олинган.

Авторитар-бюрократик системадан қатъий воз кечиш, инсонпарвар, демократик социализмни, самарали планли-бозор иқтисодиётини, ҳуқуқий давлатни барпо этишни мақсад қилиб қўйиш, совет федерациясини янгилаш, халқ учун муносиб турмуш шароитини яратишни кўзлаш, «совуқ уруш»ни тугатиб, ресурсларни мамлакат фаровонлигига сарфлашга ўтиш имконини берадиган янги ташқи сиёсат — КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасидаги қайта қуришнинг моҳиятини ифодаловчи бу қоидалар партия ва халқни жипслаштириш учун яхши заминдир.

Кенг ва эркин мунозара давомида лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда, танқид қилинмоқда, баъзан эса жуда қаттиқ танқид қилинмоқда, тузатишлар, қўшимчалар, аниқликлар киритилмоқда. Ҳаракат дастури ва КПСС Уставини бойитишга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамма таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш юзасидан қизғин иш бормоқда.

Мунозара партия ва жамиятдаги мавжуд қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллигини акс эттирмоқда, одамларнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги кескинликдан, иқтисодиётдаги танглик ҳолларидан, миллатлараро негиздаги можаролардан, жиноятчиликнинг кўпайишидан, интизом ва тартибнинг бўшашиб кетишидан ташвишланаётганликларини кўрсатмоқда.

Бизда ошкоралик, демократия ва фикрлар эркинлиги шароитида сиёсий қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллиги мавжуд бўлиши қонидага айланиб қолди. КПСС ўзининг раҳбарлик роли қонун билан мустаҳкамланиб қўйилишидан воз кечиб, у гояларнинг рўй-рост, ҳалол рақобатини ёқлаётганлигини амалда кўрсатди.

Шу билан бирга Марказий Комитет муайян шахсларнинг партияни у танлаб олган стратегик йўлдан четга чиқаришга, агар иложи бўлса, партияда ажралишни келтириб чиқаришга уринишларини эътиборга олмаслик мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Бундай уринишлар ҳам ўнг, ҳам сўл томондан бўлмоқда. Бировлар қайта қуришда жамият ва партиянинг «либерал-буржуача ўзгариши»ни кўриб, уни рад этмоқдалар. Бошқалар социализмга қарши кучларга қўшилиб, Октябрь инқилобини фожиали хато деб эълон қилмоқдалар, капитализмни тиклашга даъват этмоқдалар. Миллатчилик, шовинистик кайфиятлар ва ажрамачилик муддаолари жиддий хавфга айланмоқда. Буларнинг ҳаммаси партияда муайян даражада акс этмоқда.

Коммунистлар кўпгина партия структураларида консерватизм, тафаккур ва ҳаракатлар ақидалари, одамлар билан мулоқот олиб бора билмаслик, уларни тинглай олмаслик ва тушунмаслик, уларга ёрдам қўлини чўзмаслик сақланиб қолаётганлигини ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партия учун катта зарар етказмоқда. Жамият тараққиётининг замонавий тенденцияларини, амалда чинакам демократияни, ошкораликни, инсонга асосий эътиборни қаратишни қарор топтириш эҳтиёжининг кучайиб бораётганлигини ҳисобга олмаслик — сиёсий ҳаётдан четга чиқиб қолиш демакдир. Сталинизм ва турғунлик меросидан узил-кесил воз кечиш — КПСС учун ҳаётий заруратдир.

КПССнинг бир қанча аъзолари қайта қуриш байроғи остида сохта радикал мавқеидан туриб, партияга қарши кураш бошлаганликлари ҳам катта ташвиш туғдиради. Улар ўзларини «изчил демократлар», гўё туб ўзгаришларнинг бирдан-бир тарафдорлари деб эълон қилиб, КПССнинг ғоявий ва ташкилий негизларига ҳужум бошладилар, баъзилари эса тўғридан-тўғри Ленин ва ленинизмга қарши чиқмоқдалар. Шу муносабат билан «Демократик ҳаракат дастури» деб аталмиш дастур теварагига жипслашган кишиларнинг фаолияти эътиборни ўзига жалб қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида муқобил лойиҳаларгача таклифлар киритиш тавсия этилади. Бинобарин партия аъзоларининг бир гуруҳи ўз қарашларини баён қилиб беришида ҳеч қандай ножўялик йўқ, албатта. Бунинг устига «Демократик ҳаракат дастури» матнида баён қилинган жамият ва партиядаги вазиятдан жиддий ташвишланишни, уни қатъиян ўзгартириш муддаосини тушуниш мумкин, ҳужжатнинг ўткир танқидий тусдалиги ҳам кўпларга маъқул бўлмоқда.

Бироқ «Демократик ҳаракат дастури»да аслида партиянинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўшишга бироз бўлсада жиддий уриниш йўқ. Унда ҳозирги вақтда жамиятимизни ҳаяжонга солаётган принципиал масалаларга жавоблар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, миллатлараро муносабатлар, ташқи сиёсий фаолиятга доир аниқ-равшан таклифлар йўқ.

Ўтмишга ва ҳозирги даврга берилган баҳоларнинг кескинлиги, бир қарашда қайта қуришга тағин ҳам ўткирроқ тус бериш муддаоси тақозо этган баландпарвоз шиорлар орқасида «Демократик ҳаракат дастури» муаллифларининг партиямизни фракциялар ва гуруҳларнинг тўла эркинлиги таъминланган қандайдир шаклсиз уюшмага айлантириш, яъни амалда партияни тарқатиб юбориш режалари яширинган.

Айни шу йўналишда кенг тарғиботчилик ва ташкилотчилик фаолияти авж олдириб юборилди. Тарафдорлар рўйхатга олинмоқда, марказда ва баъзи регионларда мувофиқлаштириш кенгашлари тузилган, жойларга вакиллар юборилмоқда. КПССдан мустақил бўлган моддий базани яратиш масаласи қўйилган. Бу эса партияни ичидан парчалаб юборишга, уни сиёсий майдондан четлаштиришга қаратилган йўлдир.

Асл моҳияти жиҳатидан партияга федерал структурани тиқиштиришга, коммунистларни миллий белгисига қараб ажратиб юборишга уринишлар ҳам худди шундай оқибатларга олиб боради.

Биз партиянинг парчаланиб кетишига қатъиян қаршимиз, биз партия сафларини жипслаштириш тарафдоримиз.

У ёки бу муаммоларни тушуниб етишдаги, қайта қуриш вазифаларини ўртага қўйишдаги тафовутлар, агар улар партиянинг ғоявий-назарий ва ташкилий асосларини рад этмаса, ҳар томонлама муҳокама қилиниши мумкин, лекин улар партиянинг парчаланиб кетишига мутлақо сабаб бўла олмайди. Съездолди мунозарасида фаол иштирок этиш, ўз қарашларини баён қилиб бериш, ҳимоя қилиш ва ўтказиш учун ҳар бир коммунистнинг барча имкониятлари бор. КПСС Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари ҳар қандай таклифлар ва қўшимчалар учун очиқдир. Фақат социалистик йўлимиз доирасида турли фикрларни оқилона бирлаштириш йўлида коммунистларнинг партия ва мамлакат келажагини белгилаб берадиган ягона ҳаракат дастурини яратиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларининг эътиборини бутун съездолди мунозарасини кучайтириш, уни жамиятни янгилаш жараёнлари билан, амалий ишлар билан мустаҳкам боғлаш зарурлигига қаратади. Турлича ёндашувларни дадиллик билан қиёслаш, ҳар бир амалий ғояга авайлаб муносабатда бўлиш ва шу билан бирга ғоявий парокандалик ва ғоявий мужмалликка муросасозлик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Коммунистлар замирида шахсий сиёсий нафсониятдан бошқа нарса бўлмаган баландпарвоз гаплар ва енгилтаклик билан берилган ваъдаларга берилиб кетишга йўл қўймасликлари керак.

Шундай пайт келдики, мунозаралар эркинлигига зарар етказмаган ҳолда, унинг амалий асосларини мустаҳкамлаб, ишни қатъият ва собитқадамлик билан партияни парчалаб юбориш сари олиб бораётган, КПСС ичида фракцияларни ташкилий жиҳатдан шакллантираётган, совет халқининг танлаб олган социалистик йўлини рад этаётган, ўз қарашлари ва хулқ-атвори билан ўзини ўзи партия қаторидан амалда чиқариб қўйган партия аъзоларига нисбатан қандай иш тутиш лозимлигини аниқлаб олиш зарур. Бундай кишилар КПСС сафларида қолиши мумкинми?

Бу масаланн сиёсий тараққиёт мантиқининг ўзи қўймоқда, бинобарин уни коммунистлар, партия ташкилотлари ҳамда уларнинг комитетлари ҳал этишлари лозим.

Партияга қарши кураш йўлига ўтган кишилар билан орани очиқ қилиб олиш бу тозалаш, бошқача фикрлашни бостириш эмас. У фракциячи гуруҳларнинг ташкилотчиларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Сохта инқилобий жумлаларга учган, жамиятда ва партияда юз бераётган жараёнларни аиглай олмаган коммунистларга келганда эса бу соҳада фақат бир нарса — чалғитилган ва иккиланаётган кишиларни партия сиёсатининг тўғрилигига ишонтиришга қодир бўлган тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

КПСС XXVIII съездигача уч ойдан камроқ вақт қолди. Кўпгина партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар, конференцияларга, умумпартия анжуманига номзодлар кўрсатиш бошланмоқда. Эътиқодли коммунистлар, ташаббускор, ижодкор, ахлоқий жиҳатдан мусаффо, партия, ўз халқи, социалистик Ватанимиз олдидаги, жамиятни инқилобий янгилаш тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган кишилар съездга делегат қилиб сайланишлари муҳимдир.

Биз — партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш тарафдоримиз, қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик социализмнинг олий мақсадларини қадрлайдиган барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз.

Биз КПСС XXVIII съезди янгиланиш ва бунёдкорлик съезди, партия янги куч ва шижоат оладиган съезд бўлиши тарафдоримиз.

УЛУҒ ШОИР ЮБИЛЕЙИГА

Алишер Навоийнинг беш юз йил муқаддам ёзган ажойиб сатрлари бизнинг кунларда ҳам ўзининг замонавийлиги ҳамда долзарблигини йўқотмаган. Навоий ижоди жаҳон маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Ўзбек адабиётн асосчисининг бўлажак юбилейи жумҳуриятимиз доирасидан ҳам ташқарига чиқиши керак, шу боисдан унга зўр ғайрат ва масъулият билан тайёргарлик кўриш лозим.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини ўтказиш юбилей комиссиясининг Тошкентда бўлган мажлисида ана шу фикр айтилди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Тўпланганларга Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида юбилейга тайёргарликнинг борши тўғрисида ахборот берилди. Жумҳуриятимиз пойтахтида Навоийнинг ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда. Комиссия аъзолари Шеърият боғи ва Адабиёт музейи олдидаги Навоий ҳайкалини таъмирлаш режалари, Навоий номли театр атрофидаги майдонни ўзгартириш режалари билан танишдилар. Тошкент шаҳрида А. Навоий номли Давлат халқ кутубхонаси биносини қуришга доир ишларнинг бориши ҳақидаги ахборот тингланди.

Самарқандда Навоий ўқиган Фоқиҳ Абуллайс мадрасаси гузарини ободонлаштириш режалаштирилган. Алишер Навоий даври шеърияти музейи ташкил этилади. Самарқанд дорилфунунининг янги биноси олдида «Навоийнинг ёшлиги» ҳайкали қад кўтаради. Бироқ юбилей иншоотларининг бунёд этилиши чўзилиб кетмоқда. Комиссия аъзолари ушбу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун Самарқандга боришга қарор қилдилар.

Мажлисда «Фан» нашриётида Алишер Навоийнинг юбилейга аталган йигирма томли асарлар тўпламини, республикамиздаги ва унинг ташқарисидаги бошқа нашриётларда шоир асарларини чиқариш билан боғлиқ аҳвол муҳокама қилинди.

Тошкент театрлари юбилейга тайёргарлик кўришмоқда. Чунончи, Алишер Навоий номи билан аталувчи театр композитор М. Бурхоновнинг улуғ шоир ҳақидаги операси устида иш бошлади, Ҳамза номли театр Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасини саҳнада қайта тиклайди, Муқимий номли театр томошабинларни «Навоий Астрободда» музикали драмаси билан таништиради. Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ўзбек адабиётининг классиги тўғрисидаги ҳужжатли лентани тасвирга туширмоқда. «Ўзбекфильм» киностудиясида К. Ёрматовнинг «Алишер Навоий» фильми тикланмоқда. А. Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида янги пьесаларга конкурслар эълон қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Довон ошганлар

⊙ **СЕРГЕЛИ районидаги шиналарни таъмирлаш корхонасида ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини муддатидан олдин якунлаш учун авж олдирилган социалистик мусобақада** Наримон Рафиқов бошчилик қилаётган бригада пешқадамликка эришди.

БУГУН мазкур бригада жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан олдин бажарди. Уларнинг йиллик топшириқлари 84 минг дона шинани қайта тиклаш эди. Бу ишлар ҳаммаси сифатли қилиб адо этилди.

Д. АЗИМОВ.

Ярим миллиондан кўп

⊙ **ЎЛКАМИЗ** гулга бурканадиган **бу даврда шаҳримизда кўплаб кўчатлар ўтказилади.** Ободонлаштириш Бош бошқармасидан хабар қилишларича БУГУНГИ кунгача шаҳримизда пландаги 374 минг ўрнига 540 минг яшил тўсиқ ва дарахт кўчатлари ўтказилган. Умумхалқ ҳашарида Собир Раҳимов ва Киров райони меҳнаткашлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ф. АҲМЕДОВ.

Шифохона ҳашарчилари

⊙ **ТЕРИ-таносил касалликлари илмий-текшириш шифохонаси ҳовлиси уч гектар майдонни эгалларди.** Бу майдонларга илгарилари фақат манзарали дарахт кўчатлари ўтказилар эди.

Яқинда шифохонада бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққан дорихона мудири Акрамжон Авазов ана шу уч гектар ҳовлини мевали боққа айлантириш учун барча ҳамкасбларига мурожаат қилди.

— Кўчатлар ўтқазсак, келажакда фақатгина биз шифокорларни эмас, бу ерда даволанаётган беморларни ҳам шифобахш мевалар билан таъминлаш мумкин бўларди. Сантехник Қаюм Муҳиддинов, шифокор Эгамберди Эшбоев ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб Акрамжон Авазовнинг таклифини қувватлашди.

Ҳозир уч гектарли майдонга 1050 туп олма, ўрик, шафтоли, олхўри кўчатлари ўтқазиб бўлинди. 1000 туп гул кўчатлари ҳам бинога яқин йўлкалар четига ўтқазилди.

А. ХЎЖАЕВ.

Йўловчилар хизматида

⊙ **ЙЎЛОВЧИЛАР** шаҳримизда пайдо бўлган қизил рангдаги нхчам, қулай автобусларга ҳавас билан қарамоқдалар. Павлово шаҳрида тайёрланаётган «ПАЗ—3205» маркадаги шундай машиналардан «Ташпассавтотранс» бошқармаси яқинда яна 37 та олди.

БУГУН ана шу янги, қулай машиналар йўловчилар хизматига чиқарилди.

Бу йил бошқарма мамлакатимизнинг турли шаҳарларида тайёрланаётган машиналардан 852 та олади. Шундан 326 таси автобус, 526 таси «ГАЗ — 2411» маркадаги «Волга» таксилардир. Биринчи кварталда бошқарма 122 та автобус, 125 та енгил такси машиналари олди. Бу транспортларнинг деярли ярмиси газ билан юришга мослаштирилган.

Р. ФАЙЗИЕВ.

Унумли дастгоҳлар

⊙ **ТОШКЕНТ қурилиш Бош бошқармасининг 1-ёғочи қайта ишлаш заводи тайёрлаётган буюмларнинг сифати яхшиланиб боряпти.** Бунда илғор техника ва технологияни изчиллик билан жорий қилиш катта ёрдам бермоқда.

Сўнгги пайтда дераза блоклари тайёрланадиган 1-бўлимда буюмларни ҳаво ёрдамида бўяш мосламаси, 3-бўлимда эса ярим автомат дастгоҳ ишга туширилиб оғир қўл меҳнатига барҳам берди. Шу сабабли 16 ишчи бошқа бўлимларга ўтказилди.

БУГУН корхонанинг 5-бўлимида эшик қисмларини босим остида қисувчи агрегат ўрнатиш ниҳоясига етди.

Д. ОБЛАЕВ.

Чақалоқларга— Наврўз исми

⊙ **ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА ўтган йили Тошкент шаҳридаги туғруқхоналарда 45 минг чақалоқ дунёга келганлигини хабар қилган эдик.** Шу йилнинг биринчи кварталида шаҳримизда 9570 бола туғилди. Октябрь районидаги 1-касалхона қошидаги туғруқхонада эса энг кўп кичкинтой дунё юзини кўрди. Бу ерда 1114 фарзанд туғилди. Наврўз кунлари туғилганларга кўпчилик оталар Наврўз, Наврўзхон деб исм қўйишди.

Р. ПОЛВОНОВ.

«Нафақат мўъжиза, балки...»

⊙ **ТОШКЕНТ театр ва рассомлик санъати институтига ташриф буюрганлар жумҳуриятимизда** танилиб қолган ёш сеҳргар, психологик тажрибалар ижрочиси, педагог-рассом Тўйчи Тожибоевнинг санъатидан баҳраманд бўлдилар. Режиссёр Мурод Мирҳабибов бошчилигидаги бу гуруҳ аъзолари билан биргаликда Тошкент хореография билим юртининг талабалари Н. Саидова, У. Обидова, Г. Алиевалар ҳам ўзларининг тайёрлаб келган рақсларини ижро этдилар.

Ҳ. ЮНУСОВ.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ёнғин сабаби нимада?

⊙ **ШАҲРИМИЗДА** шу йилнинг уч ойи ичида 553 та ёнғин содир бўлди. Кўрилган зарар 295852 сўмни ташкил этди. Содир бўлган ёнғинларнинг 237 таси давлат уй-жойларида, 134 таси гражданларнинг шахсий уйларида, 43 та ёнғин эса ишлаб чиқариш корхоналарида рўй берди. Буларда 9 киши нобуд бўлди, 52 киши жароҳатланди.

Ёнғинларнинг асосий сабабларидан бири оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш (144 та) оқибатидир. Бошқаларнинг гугурт ўйнаши оқибатида 126 та ёнғин рўй берди. Электр ускуналар носозлиги сабабли 94 та ёнғин чиқди.

М. ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг инспектори.

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Усмон Юсупов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб 11 апрель куни Тошкент жамоатчилик вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов Усмон Юсуповнинг ҳаёт йўли тўғрисида маъруза қилди.

У.Юсупов билан бирга ишлаган партия ветеранлари унинг тўғрисидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

Йиғилиш аҳлига «Усмон Юсупов» деб аталган ҳужжатли фильм кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

⊙ **Кеча Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXI съезди ўз ишини бошлади. Бугун рўзномаларда съезднинг биринчи иш куни ҳақида, СССР Президенти М. С. Горбачев 10 апрель куни Буюк Британия ташқи ишлар министри Д. Хэрднн қабул қилганлиги ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.**

Электровозлар Ҳовосга қатнайди

503-қурилиш-монтаж поезди коллективи ва уларнинг тошкентлик шериклари Ўрта Осиё темир йўлининг қатнов ниҳоятда кучли бўлган участкасини электрлаштиришга доир тадбирларнинг муҳим бандини бажарди. Энди электровозга уланган поездлар Тошкентдан асосий Ҳовос станциясигача қатнай бошлайди.

Бу йўлда Биринчи Май байрами арафасида электровозларнинг муттасил қатнови бошланади. Меҳнат коллективларининг қисқа муддатда йўлларни ремонт қилиш, устунлар ўрнатиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажаришларига тўғри келди. Бундай тиғиз иш жадвали поездлар қатнови тобора кучайиб бораётганлиги муносабати билан участкани электровозлар қатновига ўтказиш билан боғланган.

Электровозлардан кенг миқёсда фойдаланиш Фарғона водийси районларига олиб бориладиган юклар оқимини кўпайтиришга имкон беради. Бу йўлда тепловозларга кетадиган дизель ёнилғиси сарфини кескин қисқартириш мумкинлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яқин келажакда Тошкентдан Ҳовос станциясигача электричкалар ҳам қатнай бошлайди. Бундай қулай ва тезюрар поездлар йўловчиларга жуда ҳам маъқул бўлади.

(ЎзТАГ).



⊙ МУРАББИЙ. Тошкент тажриба-техника заводи пешқадами Людмила Ледяева. Т. Каримов сурати.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

Қарс икки қўлдан

Тошкент агрегат заводи 1988 йил январь ойидан тўла хўжалик ҳисобига ўтган эди. Бу ерда асосан тракторларнинг орқа томонидаги ўқлар ўрнатиладиган қисми ҳамда олдинги ўқлар ўрнатиладиган қисмлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йили корхона режа ва мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Шартнома мажбурияти 100 фоизга адо этилди. Йиллик режа бўйича 28 миллион 959 минг сўмлик ўрнига 29 миллион 549 минг сўмлик маҳсулот етказиб берди. Лекин барча корхоналардаги каби мазкур корхонада ҳам тўла хўжалик ҳисобини юритишдаги илк муваффақиятлардан кейин анча муаммолар йиғилиб қолди.

БИРИНЧИ муаммо шуки, беш йиллик режасида белгиланган маҳсулот ишлаб чиқаришни қайта кўриб чиқишдир. Масалан, корхона 1989 йили 37,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши лозим эди. Аммо режани қайта кўриб чиқиш натижасида завод ўтган йилги режани 28 миллион 959 минг сўмга келтиришга мажбур бўлди. Сабаби, завод маҳсулотларини харид қиладиган корхоналар шу беш йиллик режасида белгиланган маҳсулотларининг бир қисмидан воз кечди. Булар — СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи», Ўзбекистон ва Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент қишлоқ хўжалик кимёси машинасозлиги заводи ва бошқа корхоналардир. Чунки юқоридагиларнинг тракторларини колхоз ва совхозлар режада белгиланганидан кам оладиган бўлиб қолишди. Тўғрисини айтганда, уларга ортиқча тракторларнинг кераги бўлмай қолди. Илгарилари шу колхоз ва совхозлар режада кўрсатилган маҳсулотларнинг ҳаммасини олаверар эдилар. Энди эса улар ҳам хўжалик юритишни ўрганиб олишди. Яъни ошиқча тракторларга сарфланадиган пулларни бошқа ижтимоий масалаларга йўналтиряптилар.

Иккинчи муаммо, шу завод билан шартнома тузган мамлакатимизнинг турли корхоналари ўзларининг шартномавий мажбуриятларини сидқидилдан бажармаётганликларидир. Ёки шу корхоналарнинг заводга бир маромда хом ашё етказиб бериша олмаётганлигидадир. Масалан, Бокудаги резина ишлаб чиқарадиган заводдан ўтган йили резина чамбаракларини етказиб беришда узилишлар бўлиб турди. Бу йил ҳам улар резина маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериша олмаяптилар. Бу борада ҳали бурилиш бўлгани йўқ.

Хўш, завод маъмурияти тўла хўжалик ҳисобидаги бу муаммоларни қандай қилиб ечмоқдалар? Айни пайтда улар бу аҳволдан қутулиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Цехларда янги техникани ўрнатиш, янги харидорбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш шулар жумласидандир. Мисол учун завод яқинда тракторлар учун янги редукторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яна бошқа янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун цехларни таъмирлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Лекин корхона жамоаси тўла хўжалик ҳисобини юритишдаги муаммоларни бошқа йўллар билан ҳам ҳал қилмоқда. Улар асосий кучни халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга сафарбар эта бошладилар. Айни пайтда заводда халқ истеъмоли буюмларидан болалар велосипедчаси, сочиқ қуритадиган қурилма, шиша идишларни ёпадиган мослама, телевизор тагига столча, нарвон, болаларнинг бир ғилдиракли «велосипеди» моллари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир халқ истеъмоли буюмларининг яна бошқа хилларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилляпти. Заводда бу буюмларни ишлаб чиқариш йилига 15 фоизга ошириладиган бўлди.

Лекин шу халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда ҳам баъзи таъминотчилар панд беришмоқда. Масалан, Тошкент резина заводининг Бахтиёр Каримов бошчилигидаги ишчилари шиша идишларини ёпадиган мосламанинг резинасини ўз вақтида бермадилар. Улар ҳатто бу йилги резина маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартнома тузишдан бош тортмоқдалар. Сабаби уларга ҳам қандайдир завод панд бериб, зарур хом ашёни етказиб беролмаётганмиш.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент агрегат заводи тўла хўжалик ҳисоби шароитида ўз муаммоларини ечишга ҳаракат қиляпти. Аммо улар асосан халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтиряптилар, беш йилликда белгиланган маррага етиб олишга ҳаракат қиляптилар. Агар уларга бу муаммоларни ечишда таъминотчилар панд бермаганларида ишлар анча бошқача бўлар эди. Ахир, қарс икки қўлдан чиқадику!

Ғ. ЮСУПОВ.

МАРДИКОР БОЗОРИДА



ҚЎЛИДА гулдай ҳунари бор, юмушингизни айтганингиздан аъло даражада бажариб берадиган усталар, вужудидан куч-қувват ёғилиб, ҳар қандай оғир ишга ҳам тайёр йигитлар, бир кун амаллаб ишлаб бераман, ҳар ҳолда пул ишлайман-ку деган қабилдаги ўсмирлар «харидор» йўлига кўз тикиб туришибди. Улардан бирига юзландик.

— Қандай юмушларни бажара оласиз?

— Сувоқ, бўёқ, гишт териш, ойна солиш...

— Бирор қурилиш ташкилотига ишга кирсангиз бўлмайдими? Мардикорликдан кўра тайин маош, иш.

Суҳбатдошимиз Тошкент Давлат дорилфунунининг кечки бўлими талабаси Э. Ёқубов муддаомизни тушунгандан кейин, бизга бир оз ёрилди.

— Қурилишда ишлардим, кооперативга айлантиришди. Илгари иш вақти маълум эди. Энди эрта бошланиб, кеч тугайди. Ўқишга имконият қолмади. Кейин яна бир трестга ишга кирдим. У ерда базага келадиган қурилиш материалларини тушириб олишни айнан ёшларга, талабаларга юклашади. Дарслар мураккаб, бир кун бормай қолсангиз бирталай билимдан қуруқ қоласиз. Шунинг учун муҳтож кишилар ҳожатини чиқариб юрибман, яхши тўлашади.

— Мен Маҳмуд Сафаровман, — деб таништирди ҳамроҳи, — авиация техникумини тугатганман. Шаҳримиздаги шундай улкан бирлашмада менга иш топилмади. 2 йил оддий лаборант бўлиб ишладим. Маошим 100 сўмдан ошмайди. Уйланганман, фарзандим бор. Ўз ихтисосим бўйича ишлашни хоҳлайман, бироқ тирикчилик ўтказиш қийин бўляпти. Дурадгорлик ишлари қўлимдан келади. Бировга зориқмаслик учун ҳунаримни ишга соляпман.

Биз суҳбат қилган яна уч-тўрт киши қўлида ҳунари бор, бироқ ўз ихтисоси бўйича иш тополмай юрган экан. Мардикорлар орасида шунингдек, кундузги бўлимда ўқийдиган талабалар ҳам кўп. Улар асосан оддий ишларни — ер чопиш, қумир ташиш, бетон қуйиш каби юмушларни бажариб пул ишлаш илинжида келишган.

Бу ердаги жавоб-муомала оддий: қандай юмушни бажариш ва тўланадиган ҳақ. Бу масала икки киши ўртасида ўзаро келишилади-да, рози бўлишса, бориб ишга киришилаверади. Албатта, бу усул жуда қулай. Айтайлик, хонадонга қумир келди. Уйда ташиб оладиган, яроқли одам йўқ. Ана шу пайтда албатта мардикор бозорга борилади. Турган гап, қумир ташишга келган йигитлардан соғлиғи тўғрисида васиқа, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан қоғоз талаб қилинмайди. Ёки иморат қурадиган усталар билан ҳам шу йўсинда гаплашилади. Ер участкаси ажратиб берилаётган бир пайтда ҳунарли кишиларга харидор анча кўпайган.

Албатта, шаҳардаги аҳолига уй-жой ишсиз кишилар борлиги қайд этилди. Маълумотларга қараганда шаҳримизда ҳеч қаерда ишламайдиган фойдали меҳнатга лаёқатли 49,7 минг киши рўйхатга олинган. Айни пайтда шаҳардаги бир қатор корхоналар, хусусан, Тошкентдаги В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, мотор, СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси қурилиш майдонларида ишчилар етишмайди. «Оқшом»нинг деярли ҳар бир сонида бирорта ташкилотнинг ишчи кераклиги ҳақидаги эълонига кўзингиз тушади. Бир томонда ишсизлик, иккинчи томонда ишчи кучига муҳтожлик. Тирикчилик ўтказиш илинжида, жамиятга бирор фойда келтириш ниятида корхоналар эшигига бош уриб, ноумид қайтаётган кишилар ҳали кўп. Айниқса, ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

НУФУЗЛИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИДА



ИТТИФОҚ миқёсидаги нуфузли корхоналардан бирининг бош директори (унинг илтимосига кўра исм-шарифини айтмадик) суҳбат орасида ишчилар етишмаслигидан шикоят қилиб, бу камчилик режаларни бажаришга таъсир кўрсатаётганидан нолиди:

— Ёш йигит-қизлар иш ахтариб юришибди, шуларни қабул қилмайсизларми?

У кўзларини катта очиб, бир нарсадан чўчиб тушгандай:

— Эсингиз жойидами, кечагина мактаб партасидан келган болалар билан режа бажариб бўладими? Улар ҳали нимага тушунарди, — деди.

Ҳанузгача турғунлик йиллари ботқоғидан чиқа олмаган бу кишига ачиндим. Ахир, иш ахтариб юрган, тирикчилик илинжида шу корхонага бош уриб келадиганлар табиатнинг энг олий инъоми — инсон-ку. Уларнинг ҳам яшашдан умиди бор-ку. Соясидан хавотирланиб топшириқ, режа йўлида ҳар қандай одамгарчиликдан воз кечадиган бу киммиса уларни тушунармикан?

— Бизга қўлидан иш келадиган, малакали ишчилар зарур, — деди директор гўё жуда катта ва ҳеч кимга аён бўлмаган муаммони ўртага ташлаган оҳангда.

— Тажрибали ишчиларни тайёрлайдиган алоҳида жой борми? Корхонангиздаги малакали ишчилар дастлаб келганларида ҳозиргидек тажрибага эгамидилар?

Директор гапнинг мағзини уқди шекилли, юқори ташкилотларни айблаб, баҳона қидира бошлади.

— Агар режани бажармасак, бошимизда ёнғоқ чақишади. Бутун мамлакат бизнинг маҳсулотга кўз тикиб турганини пешлаб, қийин-қистовга олишади.

Албатта, директорга эртанги кун ҳақида ўйлаш, ҳозирги кунда режа бажариб, гулдай ҳунари билан завод шуҳратини оширайтган ишчилар вақти келиб, куч-қувватдан қолиб, нафақага чиқиши, унинг ўрнини кеча партадан турган ўсмирлар эгаллаши кераклиги—бу ҳаёт қонуни эканлиги маълум эди.

— Кооператив дегани жуда жонга тегди, — деди у гапни айлантириб. — Ишчиларимизнинг кўпчилиги ўша ёққа кетиб қоляпти. Маоши кўп эмиш.

Бу баҳонани шаҳарнинг деярли ҳар бир корхонаси раҳбаридан эшитиш мумкин. Албатта, халқ хўжалигига фойдаси тегаётган, истеъмол буюмлари ишлаб чиқараётган ширкатлар иқтисодиётни ривожлантиришга маълум ҳисса қўшади. Шунингдек, ишсизликни тугатишда озгина бўлса-да ўрни бор. Агар олиб қаралса, бирорта кооператив ташкилот ишчига муҳтожман, деб арз қилмайди. Тўғри, давлат корхонаси билан ширкат идораларининг ўртасида фарқ катта. Ҳозирча биз уни келаётган даромаднинг киши бошига тақсимланишини ҳисобга олсак, ширкатчилар завод ишчисидан кўра 70—80 фоиз кўп маош олади. Иш шароити ҳам яхши. Шунинг учун ҳам кўпчилик ширкат тарафдори. Иш шароитини ҳам ишлашни, қулай маиший хизмат кўрсатишни ҳар бир корхонада амалга ошириш мумкин. Албатта, бунинг учун ҳаракат зарур. Бошқанинг ютуғига маҳлиё бўлмасдан, унга эргашиш, ўрганиш, маслаҳат олиш лозим.

ИШЧИЛАРНИ тайёрлаш, халқ хўжалигини янги кадрлар билан таъминлаш ўчоғи ўрта мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ҳисобланади. Бир неча йил муқаддам мамлакатимизда мактаб ислоҳотини амалга ошириш учун махсус дастур қабул қилинди. Ундан жуда катта умидлар бор эди. Очиғи, уни амалга ошириш аро йўлда қолмоқда. Мактабдаги таълим-тарбия кўпчиликни қониқтирмаяпти. Мактаб ислоҳотида ўрта мактабни битирган ҳар бир ўқувчи бирор касб эгаси бўлиши, ҳунар-техника билим юртларида халқ хўжалигини ривожлантириш учун малакали ишчилар тайёрлаш асосий мақсадлардан бири эди. Гарчи ислоҳот талаблари жуда секинлик билан бажарилаётган бўлса-да, ҳар йили ҳунар-техника билим юртларидан минглаб битирувчилар завод-фабрика ва қурилиш ташкилотларига йўлланма олишяпти. Шаҳримиз бўйича бу йил 12150 нафар тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли ўқувчи-ёшларни ҳунар-техника билим юртига ўқишга қабул қилиш режалаштирилган. Айни пайтда турли хил касб бўйича билим олган 14200 нафар ёшлар ишлаб чиқариш участкалари ва қурилишларга йўлланма оладилар. Рақамлар кичкина эмас, бироқ диплом олиб, ҳунарли бўлганларнинг ҳаммаси ҳам иш жойида ўрнашиб қоляптими?

Шу саволга жавоб излаб 31-ҳунар-техника билим юртида бўлдик. Қисқа қилиб айтганда, 320 ўринли билим даргоҳида 650 нафар ўқувчи билим бериляпти, оддий ошхона ҳам йўқ. Бино бузиладиганлар рўйхатида. Бироқ янги бино қурилишига лоақал қарор ҳам чиқарилмаган.

Кичик дояраларда тез-тез тилга олинаётган, катта мажлисларнинг кун тартибидан ўрин олаётган бу масаланинг ечими жўнгина ҳал бўлиши қийин. Ишсизлик ва ишчи кучига муҳтожлик айнан бир жойда мавжудлиги ҳам қийинчиликларни тобора чигаллаштиряпти. У кўпчилик ёрдамида, айтиш мумкинки, фаол ҳаракат натижасида амалга ошиши мумкин. Ҳозир у долзарб масала эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди.

Табиийки, шаҳар аҳолиси ўсиш ҳисобига кўпайиб боряпти. Бу ишчи кучи сони ортяпти, демакдир. Бугун мавжуд бўлган ишсизлар масаласини ҳал этиб, уларни фойдали меҳнат сари йўналтирмасак, ҳар бир кишини муқим иш билан таъминламасак, эртага уларнинг сони ортиб бораверади. Ҳизмат қилишга лаёқатли ҳар бир кишининг аниқ иш билан таъминланиши эса иқтисодиётни ўнглашда жуда-жуда муҳимдир.

С. ШАМСИДДИНОВ.

БИЛИМ ЮРТИДА



— Билим юртида таълим олаётганларнинг 95 фоизи Тошкент шаҳрида яшайдиган маҳаллий миллат вакилларидан иборат ўғил болалар. Биз асосан бўёқчилик ва дурадгорлик касблари бўйича таълим берамиз, — деди билим юрти директорининг ўқув-ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Б. Сиддиқов. — Ҳар йили 300—310 нафар ўқувчи диплом олиб пардозлаш-қурилиш трести участкаларига ишга юборилади.

— Битирувчиларнинг ҳаммаси ишга жойлашиб, ўша ерда муқим қоладими? Бу билан қизиққанмисизлар?

— Албатта, ўқувчиларнинг кейинги фаолияти билан ҳам қизиқамиз. Очиғини айтиш керак, 300 нафар ишчидан 10 — 15 фоизи муқим ишлаб қолади. Сабабларини айтиб ўтаман. Билим юртида асосан ўғил болалар ўқийди. Улар ўқишни битириб, армияга чақирилиш ёшига етиб қоладилар. Ёз ойларида биздан диплом олиб ишга жойлашган йигитлар ўша йили кузидаёқ армияга чақирилади. Ўтган 2—3 ой ичида кўплари қурилиш шароитига кўникиб улгурмайди. Яна бир томони, қурилишга янги келган ишчи 2—3 ой давомида ғишт ташиш, цемент қориш, атрофни тозалаш каби ёрдамчи ишларни бажаради. Бу албатта унинг жонига тегади. Натижада армиядан қайтиб келгандан кейин яна қурилишга боришга юраги дов бермайди. Бошқа ишга киради.

—Одатда, кўпгина ўсмирлар касб танлашда ҳар хил хаёлда бўладилар, — дея суҳбатга қўшилди директор Э. Каттахўжаев. — Қайси бир касбдаги кишини учратса, ўшанга ҳавас қилаверади. Ишдаги дастлабки қийинчиликларга кўникиб, жамоа билан аралашиб кетгандагина муқим ишлаб қолиш мумкин. Бунинг учун камида бир йил вақт керак бўлади.

— Ўқув дастурини қисқартириб, машғулотларни бир йил олдин тугаллашса ва ўқувчиларни ишга жойлаштирса бўлмайдими?

— Биз буни ҳам ўйлаб кўрдик. Аслида ана шу усулни қўлласа бўлади. Бироқ, ишчининг келгусини ҳам ўйлаш керак. 8-синф маълумотли ўқувчига— биз ўрта мактабнинг юқори синфи машғулотларини ҳам ўтамиз. Уларга ўрта маълумотли деган ҳужжат ҳам берилади. Келгусида техникум ёки институтда таълим олишига йўл очиқ. Агар биз машғулотни бир йилга қисқартирсак, ана шу имтиёзни беришга имконимиз йўқ. Чала ўрта маълумот билан олий ўқув юрти қабул қилмайди-ку.

Ҳа, муаммонинг тагидан яна бир муаммо келиб чиқади. Халқ таълими министрлиги ўқув дастурини ихчамлаштириб берса, ўқувчилар кўпроқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, фойдали меҳнатга эрта кўникма ҳосил қилган бўлардилар. Ёки йигитларни 19 ёшдан армия хизматига чақириш керакдир. Жуда бўлмаса ишчилар ҳаводай зарур жойлардаги ўсмирлар учун 1 —2 йилга хизмат кечиктирилса...

Айниқса, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси, тўқимачилик комбинати каби ишчига муҳтож ташкилотлар учун бу жуда муҳим. Шундоқ ҳам жумҳуриятимиздан армия сафига чақирилган йигитларнинг 60—70 фоизи қурилиш майдонларида хизмат қилишяпти-ку.

Иш билан бандлик: бир муаммонинг уч қирраси

⊙ ЯҚИН йилларгача хорижий давлатлардаги ишсизлик ҳақида эшитсак, уларга ачиниш билан бирга, бизда ана шундайлар йўқ, деб ўзимизга тасалли берардик. Ошкоралик туфайли мамлакатимизда ҳам юзлаб кишилар иш ахтариб юрганларини билиб олдик. Уларни эшитганда кўз олдимизга фақат тирикчилик дардида эмас, умумхалқ манфаати йўлида ишлаш учун куч-қуввати, билими етарли, бироқ иш тополмай юрган кишилар гавдаланади.

Кўп йиллар давомида ишсизлик биз учун гўё ўзи йўқ, фақат номи қолган юқумли касалдек ёт туюларди. Унинг келиб чиқиш сабабларини ҳам энди ошкор бўляпти. Хиралашиб, чанг босган кўзгу артиб тозаланган сари тиниқроқ кўрсатгандай, ошкоралик ўтмиш сарқитларини тобора равшанлантира боряпти. Кўп муаммоларни ўз ичига олган бу масалани чуқурроқ ўрганиш учун ишни мардикор бозоридан бошладик.



⊙ АФИНА. Грециядаги катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган Салоники шаҳрида сувни ўлчаб тақсимлаш жорий этилди. Мамлакатда фожиали қурғоқчилик юз бериши мумкинлиги муносабати билан шундай қилинмоқда. Кейинги уч йил ичида Грецияда ёмғир жуда кам ёғиб, ҳавзалардаги сув кескин камайиб кетди.

Греция пойтахтида ҳам сувни ўлчаб тақсимлаш жорий этилиши хавфи бор. Маъмурлар агар яқин орада ёмғир ёғмаса, июнь ойидаёқ қарийб 4 миллион аҳоли яшайдиган Афина ва унинг атрофида сувдан фойдаланиш чеклаб қўйилиши тўғрисида огоҳлантирдилар. Мамлакатнинг бошқа ўнта катта шаҳрида ҳам шундай чора кўриш мўлжалланяпти.

Греция қишлоқ хўжалиги жиддий хавф остида қолди. Буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили бу йил жуда кам бўлиши ҳозирданоқ аниқ кўриниб турибди. Агар яқин орада ёмғир ёғмаса, ҳосил бутунлай бўлмайди.

⊙ ЛАГОС. Нигериядаги Лагос штатининг ҳарбий губернатори Раҳмат Раззоқий «Электр энергияси миллий бошқармаси (НЕПА)нинг кабеллари, трансформаторлари ва бошқа мулкини ўғирлашга уринаётган ўғриларни огоҳлантиришсиз отиб ташлаш» тўғрисида полициячиларга берган буйруғи кутилмаган оқибатларни келтириб чиқарди. Маълумки, товламачилар ўғирланган электр ускуналарини қўли гул «уста»ларга сотишади.

Трансформаторлардан суғуриб олинган юқори сифатли мисдан гулдонлар ва турли хил безаклар ясашда фойдаланилади. Олғир муттаҳамлар эса бу буюмларни тилладан ясалган, деб соддадил сайёҳларга пуллашади. Қимматбаҳо электр ускуналарининг бошқа қисмлари ҳам «хўжаликда» чиқитга чиқарилмайди.

Буйруқ эълон қилинганидан кейиноқ электр узатиш линияларини ремонт қилиш муддатлари чўзилиб кета бошлади. Чунки энди бошқарма ишчилари полициячилар уларни ўғри деб ўйлашидан чўчияптилар. НЕПА бошқарувчиси Биола Адекунманинг пойтахтидаги Ижора район электр монтёрларига «шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида» авария содир бўлган жойларга фақат хизмат автомашиналарида бориш, машинани ишлатадиган жойга мумкин қадар яқинроқ қўйиш ва ҳар доим чўнтакда шахсий гувоҳномани олиб юриш тўғрисида берган буйруғи ҳам аҳволни ёмонлаштирди. Шундай кўрсатма бўлганидан кейин улар шикастланган кабелларни тузатиш учун мижозларнинг машинасида бориш одатини дарҳол ташладилар. НЕПАда хизмат автомобиллари эса кўп эмас. Бунинг устига уларнинг анчагина қисми бузуқ. Айни транспорт етишмаслиги туфайли катта Сурулере районини олти кунга электрсиз қолди.

Махсус иш кийими йўқлигидан шу пайтга қадар нолимай келган монтёрлар энди шундай кийим-бош берилишини талаб қилмоқдалар. Уларни тушуниш мумкин: ахир бошқарма белгиси бўлмаган автомобилдан чиқиб, айтайлик трансформатор томон кетаётган оддий кийимдаги одамларни кўрган полициячилар уларни муттаҳамлар деб ўйлаши ҳеч гап эмасда. Бундай вазиятда эса «отманг! Биз — ўзингизникилармиз», деб қичқиришга улгурмай қолиш мумкин.

Советлар мамлакатида

⊙ КАЛУГА. Калугада шаҳар ва учта район партия комитетининг қўшма пленумида партия ташкилотларини бошқариш структурасини қайта кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шаҳардаги район партия комитетлари бекор қилинади. Унинг вазифаларини янгиланган шаҳар комитети ўз зиммасига олади. Тарқатиб юборилган район партия комитетлари аппаратлари ҳисобига бошланғич партия ташкилотлари кучайтирилади. Айни пайтда коммунистлар партия бошқарувининг қайта тузилишини шаҳарнинг район бўлинмаларини бекор қилиш билан боғламадилар: халқ депутатлари маҳаллий советларга ўтказилган сайлов совет ҳокимиятининг мавжуд структураси сақлаб қолинишн зарурлигини кўрсатди.

⊙ ГОРЬКИЙ. Берилган овозларни ҳисоблайдиган автомат система Горький область Советининг биринчи сессиясини аниқ ва оператив ўтказишга ёрдам берди. Бу системани маҳаллий «Полёт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ишлаб чиқдилар ва шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залига ўрнатдилар. СССР халқ депутатлари билдирган фикрларга қараганда, Горький кишидаги электрон система Москвада ўрнатилган қурилмадан ҳам яхшироқ. Бу ерда ҳар бир депутат ўз сайлов округи рақамига мос келадиган код номерни олади ва биргина кнопка ёрдамида овоз беради. Электроника натижани ўн секунддан кейин эълон қилади. Бундан ташқари, «ҳаракатчан сатр» типидаги таблодан залдагиларни справка материаллари билан таништиришда фойдаланиш мумкин.

⊙ ОЛМАОТА. Қозоғистонда ўтказилган умумреспублика шанбалиги иштирокчилари Орол денгизини қутқариш фондига уч миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказиб, энг катта очилган банд счетига тушган бу маблағ Оролда вужудга келган экология фожиаси зонасида табиатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий тадбирлар учун мўлжалланган. Жамбул области коллективлари фондга ярим миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказиб, энг катта ҳисса қўшдилар. Чимкент областида эса Орол денгизини сув билан таъминлаб турувчи Сирдарёга қўшиладиган кичик дарёларни тозалашга ғайрат билан киришилди.

⊙ КИШИНЕВ. Республика ҳукуматининг қарори билан Молдавия Деҳқонлар уюшмаси рўйхатга олинди. Бу янги жамоат тузилмасининг асосий вазифаларидан бири — маҳаллий қишлоқлар аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан ҳозирча анча мураккаброқ шароитда яшаётган кўп минг кишилик қатламининг соцнал муҳофаза этилишини таъминлашдир. Уюшма раиси Х. Андреевнинг фикрича, бундай ташкилотнинг мавжудлиги деҳқонлар овозини яхшироқ эшитиш, қишлоқдаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига қатта эътибор билан қараш имконини беради. Ижтимоий адолатнинг тикланиши, ўз навбатида, Молдавия бутун аҳолисини озиқ-овқатлар билан янада тўлароқ таъминлашда табиий бойликлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

⊙ ЙОШКАР-ОЛА. Автоном республика пойтахтида «Марий ушем» демократик ҳаракатининг таъсис съезди ўз ишини якунлади. Ташкилотнинг асосий мақсади — этник территориясидан ташқари яна Россиянинг 12 автоном республикаси ва областларида, Қозоғистон, Эстония, Красноярск ўлкаларида яшаётган марн миллатини бирлаштиришдан иборатдир.

⊙ ФРУНЗЕ. Қирғизистон кинематографчиларининг VI съезди ниҳоясига етди. Уюшма аъзоларн республика киносида ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисобига ўтказишни ва кино фаолиятини ривожлантиришда қайта қуриш омилларидан бири деб билишмоқда. Қирғизистон кинофонди ҳузурида уруш манзаралари ҳамда моҳирлик ва эпчиллик билан бажариладиган ҳар хил ҳаракатларни жмро этишни суратга оладиган кооператив студияси ташкил этилганлиги бунга мисол бўла олади.

ТАСС.



⊙ БРЯНСК. «Элетон» заводининг катта бўлмаган жамоаси профессионал ва ҳаваскор мусиқа ансамбллари учун мураккаб электрон аппаратуралар туркумини ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: корхона техника назорати бўлимининг ходимлари Т. Тананикина ва В. Снегирева «ПМ—03» пультини синовдан ўтказишяпти.

Л. Свердлов (ТАСС) сурати.

Бугун — Космонавтика куни



Бундан 29 йил муқаддам — 1961 йилнинг 12 апрелида Совет Иттифоқида СССР граждани Ю. А. Гагарин бошқарган биринчи «Восток» космик кемаси старт олган эди. Шундан бери коинотга кўпдан-кўп космик кемалар учирилди, «Мир» орбитал комплекси бунёд этилди, аммо бу кун нафақат совет кишилари, бутун жаҳон халқлари хотирасида абадий муҳрланиб қолди.

Смоленск областининг Гагарин (собиқ Гжатск) шаҳрига қадам қўйган кишини ажойиб ҳис-туйғулар ўз оғушига олади. Гагаринлар оиласи Гжатскка 1945 йилда кўчиб келган эди. Шу ерда фазогир биринчи марта қўлига самолёт моделини олган, Э. Циолковский ҳақидаги китобни ўқиганди.

... Гагарин кўчаси, Гагаринлар уйи... Эшик олдида Юрий Алексеевич ўз қўли билан ўтқазган бир туп сирень гуллаб турибди. Мўъжазгина икки хонада Ю. А. Гагарин ёдгорлик музейининг экспозициялари жойлашган. Бу ерга ташриф буюрувчи зиёратчиларнинг кети ҳамон узилмайди.

СУРАТЛАРДА: Ю. А. Гагарин; К. Э. Циолковский яшаб ижод қилган Калуга шаҳри обидаларидан бири; Ю. А. Гагарин академик С. П. Королёв билан; авлодлар фазогирнинг ўзига хос табассумини ҳеч қачон унутишмайди.







Қалам ва қурол билан

УЛУҒ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ Коммунистик партия адабиётимиз олдига муҳим вазифалар қўйди. Ёзувчиларни етук бадиий асарлар яратиб, совет кишиларини ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга чақирди. Шу жумладан ўзбек совет адабиёти ҳам уруш йилларида жиддий синовдан ўтди. Ўзбек ёзувчиларининг бир қисми мамлакат ичкарисида, айримлари қалам ва қурол билан улуғ курашда иштирок этди. Назир Сафаров, Адҳам Раҳмат, Мирзакалон Исмоилий, Султон Жўра, Иброҳим Раҳим, Назармат, Шуҳрат, Мамарасул Бобоев, Парда Турсун, Мумтоз Муҳамедов каби ўттиздан ортиқ ёзувчилар Ватан уруши фронтларида хизмат қилдилар.

Ана шу фидойи жангчи ижодкорлар ва Улуғ Ватан уруши даври адабиёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг «Ўзбек совет адабиёти» бўлими учинчи залида намойиш этиляпти.

Кўргазмадан юқорида номлари тилга олинган ижодкорларнинг ҳаёт йўли ва адабий меросига оид материаллар: мойбўёқда ишланган суратлар, турли бадиий безаклар, тарихий ҳужжатлар, фотосуратлар, шахсий буюмлар, қўлёзмалар ҳамда китоблар жой олган. Бу буюмлар — томошабинларда ўша давр руҳи ҳақида, жангчи адибларимизнинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Ватан мудофааси учун ялпи сафарбарлик, мардлик, қаҳрамонлик руҳи шеъриятда ўз аксини кенг топди. Ойбекнинг «Ёвга ўлим», Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!», «Жангчи Турсун», Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Шайхзоданинг «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло» ва бошқа қатор асарлари уруш даври назмининг сараларидан ҳисобланади. Бу асарлар ҳам музейда намойиш этилаётир. Шунингдек, А. Раҳмат, С. Жўра, Р. Файзий, И. Раҳим, Назармат, Шуҳрат ва бошқа ижодкорларимиз қаламига мансуб бўлган, уруш даври воқеаларини ўзида акс эттирган кўплаб китоблар ҳам бор.

Яна у ердан санъат асарлари ҳам жой олган. Шулардан бири Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев мўйқаламига мансуб бўлган «Улуг Ватан уруши йилларида 14 болани тарбиялаган темирчи Ш. Шомаҳмудовлар оиласи» номли йирик полотнодир. Бу асарда қалби кенг, меҳри дарё эр-хотин Шомаҳмудовлар билан биргаликда урушда ота-оналаридан ажралиб қолган, турли миллат фарзандларининг сиймолари моҳирона чизилган. Унда СССР халқлари ўртасидаги ажралмас дўстлик, бир-бирига мадад беришдек олижаноб ғоялар ифодаланган.

Фотосуратлар кўргазмада алоҳида ўрин тутади. «Ҳамид Олимжон фронтда», «З. Фатхуллин ва Н. Сафаров», «Ўзбек ёзувчилари фронтда» номли, жангчи-ёзувчилардан Назармат, Шуҳрат, М. Муҳамедов, М. Исмоилийларнинг урушнинг турли пайтларидаги ҳолатларини ўзида муҳрлаган суратлар ҳам музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, у ерда қўйилган «Ўзбек жангчиларининг фронтдан ўзбек адибларига йўллаган мактуби»нинг фотонусхаси ҳам диққатга сазовордир. Мактуб оқ қоғозга, рус тилида, ёзув машинкасида ёзилган. Унинг охирги хат бошида бошланувчи сўзлари ўчиб кетган. Бироқ, мактуб мазмунини тўла тушуниш мумкин. Хатнинг юқори қисмининг чап томонига «Ҳамма ўртоқларга (бу ерда адибларга дейилмоқчи — таъкид бизники) ўқиб чиқиш учун берилсин», — деб ёзилган ва Ҳамид Олимжон имзоси қўйилган. Хат қисқа, лекин таъсирли. Унинг ўзбек тилидаги таржимасида шундай дейилади:

«Тошкент
Ўзбекистон Ёзувчилар Союзига

Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Чустий, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Ҳамид Ғулом, Ойдин Собирова, Зулфия Исроилова, Раъно Узоқова, Саидаҳмад Ҳусанхўжаев ўртоқларга.

Ҳурматли ўртоқлар!

Совет тупроғини немис-фашист босқинчиларидан озод этаётган бизнинг фронт ўзбек жангчилари жонажон совет Ўзбекистони ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг ҳаёти ҳамда ишлари билан ғоятда қизиқмоқдалар.

Улар бадиий асарларни муҳаббат билан ўқимоқдалар ва биздан фронт орқасида қилинаётган ишлар ҳақида шеърлар, ҳикоялар, очеркларни кўплаб босишимизни талаб қилмоқдалар. Биз уларнинг ҳақли талабини қондиришга бурчлидирмиз!

Шунга кўра сизга илтимос билан мурожаат этиб, бизнинг «Ватан шарафи учун» фронт газетамизда босиш учун, фидокорона меҳнат қилаётган ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳақидаги ўзларингизнинг шеър, ҳикоя, ҳамда очеркларингизни мунтазам равишда юбориб туришингизни сўрайман.

Материалларни қуйидаги адрес бўйича юборинг:

Дала почтаси 48828 — А.

Салом билан

«Ватан шарафи учун» газетасининг редактори

Р. Абдураҳмонов».

Уруш йилларида Ўзбекистонда қардош халқлар адабиёти ҳам эркин ўсиб камол топди. Жумҳуриятимизга вақтинчалик кўчирилган А. Толстой, Н. Погодин, Я. Колас, П. Тичина, М. Бажан, А. Малишко ва бошқа таниқли адабиёт намояндалари бу ерда яшаб ижод қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, бу давр ўзбек адабиётида ўзига хос синов даври бўлди. Шоир ва ёзувчиларимиз халқни руҳлантирадиган, кўнгилни кўтарадиган асарлар ёзиб Буюк Ғалабага муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Б. ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг раҳбари.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Жамоат тартибини сақлаш — ҳамманинг бурчи

⊙ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ж. Ю. Камолхўжаевнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, оғир ва хавфли жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятига раҳбарлик юзасидан Тошкент область халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

КЕЙИНГИ вақтларда шаҳарда бу масалаларга катта эътибор қаратиладиган бўлиб қолди. Жиноятчиликка, жамоат тартибини бузишларга қарши кураш масалалари район Советлари ижроия комитетларининг мажлисларида ва сессияларда тез-тез муҳокама этиладиган бўлиб қолди. Шаҳар районларида жиноятчиликка қарши кураш бўйича вақтинчалик комитетлар ишлай бошлади. Жамоат тартибини муҳофаза этишда милицияга кўмаклашувчи ишчи отрядлари келиб қўшилдилар.

Милиция кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1989 йилда ўз хизмат бурчларини уддалай олмаган Куйбишев, Чилонзор, Октябрь, Собир Раҳимов районларининг ички ишлар бўлимлари бошлиқлари эгаллаб турган вазифаларидан бўшатилдилар. Ҳар бир район бўлимида милиция бошлиқларининг ўринбосарлари, бир қатор бошқа раҳбарлар ўзгартирилди.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси ва район ички ишлар бўлимлари қошида ижтимоий-сиёсий аттестация бўйича комиссиялар тузилди. Участка милиция инспекторларининг ўз фаолиятлари тўғрисида аҳоли олдида ҳисобот беришлари ва ўзлари бириктирилган участкаларнинг аҳолиси томонидан уларни аттестациядан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Бошқармалар раҳбарларининг улар масъул бўлган хизмат соҳаларидаги ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлиги оширилмоқда.

Шаҳарда территорияларни жиноятчи ва бошқа, жамиятга зид унсурлардан тозалаш бўйича 12 та комплекс оператив-профилактика тадбирлари ташкил этилди ва ўтказилди. Шаҳарга кираверишдаги автомобиль йўлларида эса 28 та милиция посбонлиги ташкил этилди. Улар томонидан 2 мингдан зиёд ҳуқуқни бузувчилар ушланди. Аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар 1989 йилда 875 та жиноятчи гуруҳларни топиб, фош этиш имконини берди. Бу гуруҳларда 2 мингдан зиёд киши бор эди. Улар орасида эса босқинчилар гуруҳи, 204 та босқинчи, 358 та ўғри, 16 та товламачи ва бошқа бир қатор жиноятчи гуруҳлар бор эди.

Барибир шаҳарда ўтган йили жиноятчиликни камайтиришга эришишга муваффақ бўлинмади. У 1988 йилга нисбатан 28,8 фоизга ошди. Район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, жамоатчилик асосидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳали жиноятчиликка, айниқса унинг оғир турларига қарши курашда туб ўзгаришни таъминлагани йўқ. Қайта қуриш ва демократия талабларига мувофиқ тарзда жиноятчиликни камайтиришга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар комплексини ташкил этиш ва ўтказишга мутлақо янги ёндошувлар ишлаб чиқилмаган. Бу нарса воқеаларнинг изидан дарҳол бориб, жиноятларни очиш, тергов ишларининг юқори сифатини таъминлаш бўйича тезликда чоралар кўришга ҳам тааллуқлидир. Мана шулар оқибатида оператив вазият танглигича қолмоқда.

Айниқса, балоғатга етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқни бузишда қатнашаётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиш сабабларидан бири айрим ички ишлар органлари ва халқ таълими органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришга виждонан муносабатда бўлмаётганлиги, ижроия комитетлар қошидаги балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ёмон ишлаётганлиги, бу муҳим ишдаги лоқайдлик ва юзакичилик оқибатидир. Хавфли жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек аввал судланган шахслар билан профилактика ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Бунга эса озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб келган кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига (ишга жойлашиши ва ҳоказоларга) ички ишлар органлари ва база корхоналари раҳбарлари лоқайдлик билан муносабатда бўлиши сабаб бўлмоқда.

Корхоналар, ташкилотлар, қурилишларнинг лавозимли шахсларидан салбий ҳолатлар рўй беришини ўз вақтида очмаганлиги ва уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар кўрмаганлиги, уларнинг ишда йўл қўйган нуқсонлари учун талабчанлик пасайиб кетган. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари шароитларини яхшилаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича жамоат тузилмалари — тартибни сақлаш, кўнгилли халқ дружиналари пунктлари, ўртоқлик судлари, милицияга кўмаклашувчи ишчи отрядлари, профилактика кенгашлари, халқ таълими бўйича кенгашлар ишларини яхшилаш бўйича кенг миқёсда комплекс тадбирлар белгиланди. Жумладан, ҳеч қаерда ишламаётган, аммо меҳнатга лаёқатли шахсларни, ўқишни ташлаб қўйган ўсмирларни, шунингдек қамоқхоналардан бўшаб келган гражданларни аниқлаш мақсадида ҳовлима-ҳовли текшириш ўтказиш таклиф этилди, уларни ишга жойлаштириш учун шошилинч чоралар кўриш таклиф этилди. Ана шу мақсадда база корхоналари ва ташкилотларининг янги рўйхати тузилди. Халқ таълими Бош бошқармасига, халқ таълими бўйича кенгашларга жойларда жуда қисқа муддат ичида балоғатга етмаган, мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида ўқишдан бўйин товлаганларни ишга жойлаштириш тартибини белгилаш вазифаси топширилди.

Қарорда шаҳар ички ишлар бошқармаси ва район ички ишлар бўлимларининг кадрлари билан ишлашни яхшилаш, бунда энг қобилиятли ходимлар учун иш ҳақи даражаларини оширишдан фойдаланиш, уларни ўз хизмат бурчларини намунали адо этиш руҳида тарбиялаш кўзда тутилган. Адлия бошқармаси, шаҳар судига жиноий ва фуқаро ишларини кўриб чиқиш чоғларида судлардаги сансалорликка барҳам беришга қаратилган қўшимча тадбирлар кўриш таклиф этилди.

Жамият ва қонун

Инсон қадри — ҳимояда

Ҳозирги ошкоралик ва демократия замонида инсон ва унинг ҳуқуқлари ҳамма нарсадан устун қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам шахс ва коллектив шаъни, қадр-қимматини камситувчиларга қарши қандай чоралар қўлланишини билиш истагида рўзномамизга хат-хабарлар йўллаётган оқшомхонлар сони тобора кўпаймоқда. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси Каримхон Носиров билан учрашиб, унга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

— Каримхон Носирович, айтингчи, граждан ёки ташкилотнинг шаънига доғ туширадиган ва унинг қадр-қимматини пастга урадиган маълумотларни тарқатган шахсларга қонунда қандай жазо белгиланган?

— Мамлакатимизда ҳар бир кишига, коллективга ҳурмат билан қараш граждан ва ташкилотларнинг шаъни ва қадр-қимматини қўриқлашга алоҳида эътибор берилади. Шаън — бу инсоннинг муайян даражадаги тақдирланиши, унинг ижтимоий ҳолатидир. Қадр-қиммат эса шахснинг ўз-ўзига берган баҳосидир. Шундай экан бирон бир шахс ёки айтайлик ташкилотнинг шаънига доғ тушириш, уни бадном қилиш, қадр-қимматини пастга урувчи маълумотларни тарқатишга қонун мутлақо йўл қўймайди. Лекин шунга қарамай, баъзи ҳолларда ҳуқуқ бузишлар ҳам бўлиб туради. Бундай тақдирда камситилган шахсларнинг манфаатлари Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 7-моддаси билан ҳимоя қилинади.

Бироқ, шу ўринда бир нарсани айтиб қўйишга тўғри келади. Ҳар қандай салбий маълумотлар ҳам шаън ва қадр-қимматни пастга урадиган ёки унга доғ туширадиган ҳужжат бўлиб ҳисобланавермайди.

Шахснинг обрўсига доғ туширадиган маълумотлар деганда, социалистик турмуш қоидалари, жамиятимиз ахлоқ қоидаларига зид бўлган муносабатлар тушунилади.

Ачинарлиси шундаки, бу турдаги судлов ишларининг сони сўнгги йилларда кўпаяётганлиги кишини ташвишлантиради. Айниқса, бундай ҳолат оммавий матбуот воситаларида кўпроқ сезилмоқда. Масалан, Ленин райони халқ суди томонидан биргина 1989 йили Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 7-моддаси билан 38 та иш кўриб чиқилди. Бундай ишларни кўриш жараёнида суд уч ҳолатни аниқлаши шарт. Жумладан, раддия берилиши ҳақида даъво иши бўйича матбуотда хабар тарқатилганми? Улар чиндан ҳам гражданнинг қадр-қимматини пастга уриб, корхона обрўсига путур етказадими? Бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келадими?

— Айтайлик, матбуотда бирон инсон ёки коллектив шаън ва қадр-қимматини пастга урадиган мақола пайдо бўлди. Бундай тақдирда ким жавобгар сифатида қаралади, ўша мақолани эълон қилган рўзномами ёки унинг муаллифими?

— Матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ноўрин хабар тарқатилгани учун раддия эълон қилинишини талаб қилиб даъво иши қўзғатилган тақдирда, жавобгар сифатида ўша рўзнома ва мақола муаллифи судга жалб қилиниши мумкин. Суд эса жавобгарлар зиммасига даъвогарнинг шаън ва қадр-қимматига путур етказган хабарлар бўйича раддия беришни мажбур қилиб қўйишига (агар ноўрин маълумотлар судда ўз исботини топган бўлса) ҳақли. Муаллиф ўз фамилиясини кўрсатмасдан эълон қилинган мақолаларда эса тегишли ахборот воситаси жавобгар сифатида қаралади.

Шаън ва қадр-қимматга путур етказадиган маълумотлар корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган характеристикада баён этилган тақдирда жавобгар ҳужжатга имзо чеккан шахс ҳисобланади. Шунингдек, ўша корхона, муассаса, ташкилот ҳам, ўзлари номидан ҳужжат берилганликлари учун жавобгар ҳисобланадилар.

— Агар бир шахс иккинчиси устидан тарқатган маълумотларда ўйлаб қилинган жиноят аломатлари бўлсачи?

— Бундай ҳолда жабрланувчи айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилиши ёки қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳақида гражданлик тартибида иш кўриш учун даъво ишини айбдорга нисбатан қўзғатиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 436-моддасида кўрсатилишича, суд ҳал қилув қарори ўз вақтида бажарилмаса жавобгарга 200 сўмгача миқдорда жарима солинади ва суднинг қарори бажарилиши учун янги муддат тайинлайди. Бу муддат иккинчи маротаба ва ундан кейин ҳам бузилса, жарима миқдори 1000 сўмгача етади.

1989 йилнинг 1 декабридан эътиборан судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик ҳақидаги қонун амалда тадбиқ қилина бошланди. Ушбу қонуннинг 4-моддасига асосан суд қарори, ҳукми ёки ажрими мансабдор шахс томонидан атайлаб бажарилмаса унга 300 сўмдан 1000 сўмгача жарима солиниши мумкин. Шу ўринда яна бир янги қонун ҳақида эслатиб ўтмоқчиман. Ўтган йили эълон қилинган «Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахслар томонидан содир этилган гражданлар ҳуқуқларини камситувчи қонунсиз хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш тартиби» ҳақидаги қонун ҳам гражданларнинг ҳақ-ҳуқуқларини яна бир бор ҳимоя остига олади. Бу қонун эса 1990 йилнинг 1 июлидан кучга киради.

— Каримхон Носирович, баъзан шундай бўладики, журналистлар, жамоатчилик вакиллари айрим қонунбузарларни ўткир қалам остига оладилар. Мақолаларни ўз фикрларини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ҳам оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш ҳоллари кам эмас. Бундай маълумотлар шаън ва қадр-қимматни пастга уриш деб топилиши мумкинми?

— Ҳа, шундай деб топилиши ҳам мумкин. Бироқ бунда даъвогар томонидан ишга тақдим қилинган ҳужжатлар ўз исботини суд тафтишида топган бўлиши, чиндан ҳам унда шаън ва қадр-қиммат пастга урилганлиги исботланган бўлиши керак.

Ёзиладиган мақола учун ҳужжатларнинг етарли эмаслиги берилган маълумот нотўғри деган гап эмас. Ҳақиқий ҳолатни мурожаат қилганлар, гувоҳлар ва бошқа далиллар аниқлаб бериши ҳам мумкин.

Менимча, ошкоралик даврида атрофлича ўйлаб, асосланиб ёзилган ҳар қандай танқидий мақола ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали баён этилган танқидий фикрлар мансабни суиистеъмол қилувчиларга ва бошқа салбий ҳолатдаги кишиларга қарши кучли қурол сифатида майдонга келади. Аниқроқ қилиб айтганда, бундай мақолалар бизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришимизга халақит берувчиларга қарши курашга чорлайди. Шундай экан, агар танқид асосли ва холисанилло бўлса, тортинмасдан ёзавериш керак.

Суҳбатни ҳуқуқшунос
А. ҲАСАНОВ
олиб борди.

Турфа олам

КАНАДАДА 26 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ КИШИ ЯШАЙДИ

⊙ ОТТАВА. Канада аҳолиси 1990 йилнинг 1 январига келиб 26.440.300 кишини ташкил этди, деб хабар берди мамлакат статистика бюроси. Ўтган йили Канада аҳолиси 1,3 фоиз кўпайган. Бу кейинги ўн йиллик мобайнида энг кўп ўсиш даражасидир, бироқ бунга асосан муҳожирлик ҳисобига эришилган. Муҳожирлар 190.933 кишини ташкил этган.

Онтарио аҳолиси энг кўп вилоят бўлиб қолмоқда. Бу ерда 9.667.600 киши яшайди. Иккинчи ўринда илгаригидек Квебек вилояти турибди. У ерда 6.736.200 киши яшайди. Майдони бир неча миллион квадрат километрдан иборат шимоли-ғарбий кенгликларда 53 мингдан сал кўп киши яшайди. Бу ер юзидаги аҳоли энг кам яшайдиган районлардан биридир.

ИТАЛИЯЛИК ЭНГ КЕКСА ОДАМ

⊙ РИМ. Италиянинг энг кекса кишиси Доменико Минервино яқинда 110 ёшга тўлади. У 1880 йилнинг 10 майида туғилган ва ҳозир мамлакат жанубида жойлашган Козенца вилоятидаги Сан-Сости деган жойда яшайди. Италияда жами 1660 киши юз ёшдан ошган.

Давлат муассасалари ходимларининг гражданлик ҳолати ва аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини қайд этиш билан шуғулланувчи миллий уюшмаси (АНУСКА) ўтказган тадқиқот натижалари ана шундай.

Шу уюшманинг ташаббуси билан шанба куни Флоренцияда Италиянинг турли областларидан келган қарияларнинг кўп кишилик группасига олтин медаллар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Узоқ умр кўрган одамларнинг аксарият қисми — 743 киши кексалик гаштини мамлакат шимолида сурмоқда. Бошқалари эса жанубни, Апеннин ороллари ва марказий районларини афзал кўришади. Қарияларнинг кўплиги жиҳатдан айни Тоскана биринчи ўринда туради.

Шуниси қизиқарлики, Италиядаги узоқ умр кўрган кишиларнинг асосий қисми аёллардир.

ВЕНЕСУЭЛАДА 6 ЭГИЗАК ТУҒИЛДИ

⊙ КАРАКАС. Венесуэлада Элайн Паз Медина бир варакайига икки қиз ва тўрт ўғилнинг онаси бўлди. Олти чақалоқнинг умумий вазни 6 килограммдан сал оғирроқ бўлди.

Медиклар хабар беришганидек, она ва болалар ўзларини қониқарли ҳис этмоқдалар. Чақалоқларнинг вазни жуда кам бўлганлиги учун — 850 граммдан 1100 граммгача, уларнинг ҳаммасини шифокорлар мунтазам кузатиб туришибди. Шифокорлар эгизакларнинг омон қолишига барча имкониятлар бор, деб ҳисоблашмоқда.

Элайн Медина 20 ёшда бўлиб, у ишсиз нефтчининг хотинидир. Унинг 3 яшар ўғли бор. Ўтган йилиёқ ишини йўқотган унинг эри нефть қазиб чиқарувчи давлат компанияларидан бирида ўз кучига лойиқ иш топиш умидидадир. У шунча ворис туғилгани тўғрисидаги хабардан ғоят хурсанд бўлди.

Эр-хотин ота-оналарининг ҳам уч эгизаги бор, балки шунинг учун ҳам ёш оилада икки баравар кўп эгизак туғилгандир. Бу генларнинг қўшилиши натижаси бўлса керак, дейишади докторлар.

Кутилмаганда жуда катта бўлиб қолган оилага давлат фирмалари ва хусусий компаниялар 6 эгизакка ёрдам фондини ташкил этдилар.

Гиннес китобининг 1989 йилги маълумотларига кўра, 10 та чақалоқли эгизаклар ҳам бўлган.

Питер БРУК: «Тошкент — бу ном болалигимданоқ сеҳрли туюларди...»



⊙ ТОШКЕНТДАГИ ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР. СССР халқ артисти Бернора Қориева ва Питер Брук.

К. Ромеев сурати.

«Биз спектакль устида қай даражада узоқ ишлашимиз унчалик муҳим эмас, биз йўлнинг охирига ҳеч қачон ета олмаслигимиз мумкин. Биз поёнсиз саёҳатга чиқишимиз мумкин ва шубҳасиз, саёҳатнинг ўзи ҳақиқий санъаткор учун мукофот саналади». — Бу сўзлар «Буюк саҳна сеҳргари» деб ном олган инглиз режиссёри Питер Брукка тегишли. Амалда бутун дунёни кезиб чиққан театр санъатининг бу машҳур намояндаси биринчи марта Ўзбекистон пойтахтига келди.

— Тошкент мен кўп вақтдан бери орзу қилган шаҳар, ўзига сеҳр билан чорловчи мовий юлдуз, — деди Питер Брук Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасида бўлган учрашувда. — Болаликданоқ «Тошкент» сўзи мен учун сеҳрли маъно касб этганди. Менга бу шаҳар ер юзидаги энг гўзал ва хаёлан тасаввур этадиган жойларнинг бирига ўхшарди. Биз ўз ишимизда ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бўлишини хоҳлаймиз. Шундай қилиб «Тошкент» сўзида кўп мусиқа, жумбоқ яширинган. Менинг бу ерга келишимни орзумнинг ушалиши деб ҳисоблаш мумкин, ғаройиб мамлакатга саёҳат деб, ижодий сафар деб англаш мумкин.

.... Брук тўғрисида қанча кўп гап айтилган ва ёзилган. Шунга ўхшаш замонавий режиссёр топилармикин. Ҳақиқатан ҳам у ўн етти ёшида ҳаваскорлар театрида Марлонинг «Доктор Фауст» асарини саҳнага қўйди. Йигирма икки ёшида «Стратфорд-он-Эйвонда» қирол театрида мавсумда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта»сини саҳналаштиради. 26 ёшида эса унинг ҳисобида профессионал театрларда қўйилган олтита саҳна асари бор эди. Ўшандан бери у ўз постановкалари ҳамда фильмлари билан бутун жаҳонни ва томошабинларни қойил қолдирмоқда. Совет томошабинлари Питер Брукнинг юзга яқин драматик спектакларидан учтасини томоша қилганлар. «Гамлет» 1955 йилда, «Қирол Лир» 1964 йилда бизда намойиш қилинганди. Бундан икки йил илгари тақдим этилган «Олчазор» спектаклини томошабинлар ҳали ҳам эслаб юришади.

Режиссёр бу гал ўзининг янги асарини — қадимий ҳинд достони «Махабхарата» асосида суратга олинган фильм-спектаклини олиб келди. Санъаткор ўтган йилнинг ноябрида мазкур асар устидаги ишларини ниҳоясига етказганди. Совет Иттифоқи унинг ана шу ижод намунаси кўрсатилган биринчи хорижий мамлакат бўлди. Асарни москваликлар ва ленинградликлар томоша қилишди. Мана, энди у ўзбек диёрида намойиш этилмоқда. Кино уйининг экрани бутун кеча давомида «Махабхарата» фильмини кўрсатиш учун бериб қўйилди.

Питер Брук қадимий достонни саҳнага қўйиш ғояси унда бундан 20 йил муқаддам пайдо бўлганлигини айтди. Шу даражада катта бўлган асарга қандай қилиб қўл уриш мумкин. Буни тасаввур этиш жуда қийин — «Махабхарата»нинг ҳажми Инжилдан ўн олти баравар кўп. Париждаги театр тадқиқотлари халқаро марказида Брук яратган ушбу спектакль, танқидчиларнинг уқтиришларига қараганда, бутун театр дунёси учун мисли кўрилмаган воқеа бўлди. Авиньонда очиқ осмон остида бу асар намойиш қилинди. Унинг намойиши қош қорайганда бошланиб, субҳидамда тугарди.—Брук спектакль асосида фильмни суратга олиб, уни янада кўпроқ одамларга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, — дейди тошкентлик режиссёр Марк Вайль. У саҳнада «Махабхарата» спектаклини кўриш бахтига муяссар бўлган эди. — Фильм гарчи саҳнага қўйилганидан кўп жиҳатдан фарқ қилса-да, муаллиф спектаклнинг юксак маданиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини бера олган.

— Театр ҳаётни кўп жиҳатдан тор қилиб кўрсатади, — дейди Питер Брук. — Бу жажжи дунё. Томоша тугаши билан ундан нима қолади деб ўйлайсан киши. Бу жуда жиддий синов. Мен «Махабхарата»ни кўрган одамлар ўзларини ўраб турган дунёга диққат билан қарашларини, ўз ҳаётларида, жамият ҳаётида ниманидир яхши томонга ўзгартиришга уринишларини хоҳлардим.

— Театр республикамиздагина эмас, бутун мамлакатимизда, Европада ҳам тангликни бошидан кечирмоқда. Унинг репертуари қашшоқлашиб, томошабинлар камайиб кетмоқда. Сиз бундай аҳволни қандай баҳолайсиз? — деб сўрадик П. Брукдан.

— Бунга жуда хотиржам қарайман, чунки танглик театрнинг табиий ҳолати ҳисобланади. У фақат олға интилишга ёрдам беради. «Театр» сўзининг ўзида қанчадан-қанча маъно бор. Кўп мамлакатларда театрнинг на муайян ижтимоий мақоми, на аниқ мақсади бор. Бир хил театрлар учун муҳими пул топиш, бошқалар учун шон-шуҳрат орттириш, учинчи бирлари эса томошабинларнинг ҳисҳаяжонини қўзғатишга ҳаракат қилади. Тўртинчиси сиёсат билан шуғулланади, бешинчиси одамларни овутади, уларга ором беради. Лекин театр шафқатсиз эканлигини, саҳнада янглишиш мумкин эмаслигини, бир дақиқани ҳам бекорга кетказмасликни қайд этиш лозим. Роман муаллифи бир неча саҳифа ёки бобни ташлаб кетса ҳам асар ўз мухлисини йўқотмайди. Ҳозиргина зални тўлдириб ўтирган одамлар ўзларини маҳлиё этган нарсага бир нафас қизиқишни йўқотадиган бўлсалар, театрга бўлган қизиқиш бир умрга йўқолади. Театр агар томошабинларни тўлқинлантирмаса, у тирик театр эмас.

— Сиз учун санъатда энг муҳим нарса нима! Унинг сиёсий ва ижтимоий йўналишими ёки соф эстетик муаммоларми!

— Ана шу нуқтаи назарларнинг ҳар бирини алоҳида оладиган бўлсак, у санъаткорга ўз санъатини инсонга яқинлаштиришга, унинг орзу-ўйлари, фикри, ҳисларининг қанот қоқишига имкон бермайди, деб ўйлайман. Театр тирик тўқнашувлар рўй бериши мумкин бўлган майдондир. Томошабинга тақдим этилаётган воқеа қай даражада ҳаққоний, самимий бўлиши ва моҳирона қўйилишига қараб у томошабинга шу даражада кучли таъсир қилади. Санъат сиёсатдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Лекин у жуда жўн тарғиботга ҳам айланмаслиги керак. Фақат ҳаққонийлик, самимийлик ва санъаткорнинг тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятига кира олиш қобилияти умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишга имкон беради, у одамларга қизиқарли бўлади, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатларини белгилаб олишга ёрдам беради.

— Сиз Ўзбекистон сафаридан нималар кутаяпсиз!

— Мен Тошкентга олиб келган «Махабхарата» фильмида шундай воқеа бор: Кришна худоси саройга келади. Меҳмондўстлик қонунларига мувофиқ уни очиқ чеҳра билан кутиб оладилар, зиёфатга таклиф этадилар. Бироқ у буларнинг ҳаммасидан воз кечади, бу ерга иш билан келганини, агар шу иш муваффақиятли тугасагина овқатланишини айтади. Мен эса ҳозирдаёқ сизнинг бу қадар меҳмоннавозлигингизни қувонч билан қаршилайман. Чунки менинг келишим ва республикангизда беш кун давомида бўлишим қувончли бўлишига ишонаман. Мен кўпдан буён ўлкангизнинг кўҳна маданияти билан танишишни истардим. Самарқанд ва Хивада бўлиш имконияти менга қанот бағишлайди. Ўзбекистон театр санъатида ҳам кўп қизиқарли нарсаларни кўраман, деб умид қиламан.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги «Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-трести базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плитачи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесар-сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийимбош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти маскани: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй. 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, отаонасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Ўзбекистон ССР Халқ таълими Бош бошқармаси

41-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ВС» категориядаги ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга автокранчи, енгил автомобиллар ремонти бўйича автослесарлар, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, ғишт терувчи.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник, ғишт терувчи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган ўқувчиларга (ўқиш муддати — 1 йил) стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ҳамма ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

3 йил муддат билан таълим олаётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ва бошқа база корхоналарига ишга юбориладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Таълим даврида алоҳида ўзини кўрсатган ўқувчилар имтиёзли шартлар билан техника олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ: директор номига ариза, аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЧОРЛАЙДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг умумшаҳар «Шуҳрат» саноат моллари мактаб-магазини ноозиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган гуруҳларга навбатдаги қабулни ўтказмоқда.

10-синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида рўйхатда бўлган 17—25 ёшдаги қизлар қабул қилинмоқда.

Ўқиш муддати — 6 ой. Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади. Таълим муддати меҳнат стажига қўшилади. Курсларни битирганларидан сўнг қизлар шаҳар савдо корхоналарига ишга йўлланадилар. Ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларга имтиёзли шартлар билан Тошкент совет савдоси техникумига сиртдан ўқишга кириш учун имкониятлар яратилади.

Мактаб-магазиннинг макони: Тошкент, Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, 15-уй. Транспорт: 6, 11, 12, 13-троллейбуслар, 50, 54, 70, 94, 7-автобуслар, метронинг «Чилонзор» станцияси.

Маълумотлар олиш учун телефон: 75-58-77.

«Шуҳрат» мактаб-магазини.

ЁДИНГИЗДА САҚЛАБ ҚОЛИНГ:

Марказ—5, Энгельс кўчаси, 1-уй

«Ташгалантерейторг»нинг яқинда шу уйда очилган **янги 32-магазини** дастлабки харидорларни қабул қилди. Кенг савдо залида турли-туман АТТОРЛИК МОЛЛАРИ, УПА-ЭЛИКЛАР, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ билан савдо қилувчи бўлимлар жойлашган.

Магазиннинг иш вақти: соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 16-трамвай ва 72, 89-автобуслар.



«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ».

ЯНГИ КЎЙЛАГИМ ЯРАШИБДИМИ?

Баҳор ҳавоси болалар майдончасига, хиёбонларга, боғларга чорлайди. Болалар иссиқ кийимларни ташлаб, енгил ва ёрқин гулли ёз либосларини кия бошладилар. Шакшубҳасиз, қиш давомида болаларнинг бўйи чўзилиб қолган. Уларга янги кўйлак, оёқ кийими, шим, калта шим керак...



БОЛАЛАРНИ ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН БИРГА «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Магазинлардан ўғил ва қиз болалар учун ҳамма нарсани топиш мумкин. Енгли ва енгсиз қиз болаларнинг ва ўғил болаларнинг кўйлакларидан, узун ва калта шимлардан, майка, жемпер, кофта, пижама, костюмлардан истаганингизни тангланг...

Трикотаж либосларга эътибор беринг. Болалар трикотаж майкаларни яхши кўришади, айниқса уларга чиройли расмлар туширилган бўлса. Ўғил болаларга автомобиль расми, қиз болаларга мушукча расми туширилган майкалар маъқул. Энг кичкинтойларга ҳар хил гулли турли-туман кўйлаклар бор.

Пойабзал бўлимларидан кроссовкаларни, сандалетларни, енгил туфлиларни, «чешка»ларни харид қилишингиз мумкин.

Бош кийими ёдингиздан чиқмасин. Кенг соябонли бош кийим ёки сомон шляпа фарзандингизни қуёш нурларидан ҳимоя қилади.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13 апрель соат 19.00 да
14 апрель соат 16, 19.00 да
15 апрель соат 12, 15 ва 18.00 да

«ЎЗБЕК ГИПНОЗЧИСИ»
Фарҳод РАЖАБОВ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Гипноз, мўъжизалар. Иллюзион ревью, психологик тажрибалар. Африка бўғма илонлари билан олишув, шунингдек, руҳий таъсир орқали беморларни даволаш...

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Сиз ёқтирган хонандалар, эстрада юлдузлари, замонавий РОК группалари...

(Концертда гипноз билан ухлатилган томошабинлар ўзларининг санъатини намойиш қиладилар).

Томошадан кейинги соғайиш эса гипноз таъсири натижасидир.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Бобомурод ҲАМДАМОВнинг
30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг УКС қурилиш-монтаж бошқармасига:

прораблар, қурилиш мастерлари, ПТО ишлаб чиқариш бўлими, план бўлими бошлиқлари, катта иқтисодчи, гараж мудири, таъминот бўлими инженери, ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар, кошинкорлар.

Зарурат сезган кишилар уч йил мобайнида квартира билан таъминланадилар.

Маълумотлар ва ишга йўлланма олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 87-уй — Фрунзе район, аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Гофман эртаклари**, 13/IV да **Тўмарис**, 14/IV да **Фауст** (18.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Зебуннисо**, 13/IV да **Тақдир эшиги**, 14/IV да **Келинлар кўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IV да **Нурхон**, 13/IV да **Кампир кетармиш**, 14/IV да **Гул ва Наврўз**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Гўзаллар ва миршаблар** (19.00), 13/IV да **Драма актерлари куйлайди** (19.00, билетлар сотилган), 14/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

КИНО

12 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 18.30, 20.45); кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЁЛҒОНЧИЛАР» (17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (17.00), «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

К. Ёрматов номли — «СЕВИМЛИ РОЖ» (21.00); «ОҚ СУЯК» (20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДИСКО РАҚҚОСАСИ» (18.30, 21.00).

Восток — «ОДДИЙ АМЕРИКА» (18, 20.30).

13, 14, 15 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Восток — «САБР КОСАСИ» (12, 14, 16.00); «ОДДИЙ АМЕРИКА» (18, 20.30).

Чайка — «ЁЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (11, 13, 15, 17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АБЛАҲЛАР» (12, 14, 20.00).

К. Ёрматов номли — «СЕВИМЛИ РОЖА» (13.30, 16, 21.00), «ОҚ СУЯК» (11, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг

АДАБИЁТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИ

Абдулла Қодирий таваллудининг 96 йиллигига бағишлаб

14 АПРЕЛЬ СОАТ 15.00 ДА

ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

КАТТА АДАБИЙ-БАДИИЙ ТАДБИР ЎТКАЗАДИ

Унда таниқли ёзувчи ва ҳофизлар иштирок этадилар.

Беназир адабиёт ижодкорларининг барча ихлосмандларини таклиф этамиз.

Октябрь ноҳияси озиқ-овқат савдоси ташкилоти жамоаси 21-дўкон мудири М. Аъзамовага умр йўлдоши

Убайдулла ШАРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р— 10017.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.